

Укам эмикдош қизга уйланмоқчи

06:42 / 14.10.2018 1873

Ассалому алайкум! Менинг укам гўдаклигида холамни бир марта эмган экан. Ҳозир холамнинг қизлари билан бир-бирини ёқтиришади. Сизлар оила қуролмайсиз, десак ҳам укам тушунмаяпти. Дадамлар ҳам оламдан ўтиб кетганлар, онам ҳам бўлмайди, мумкин эмас, дедилар. Илтимос, сизларнинг жавобингизни кўрсатаман.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

– Ваалайкум ассалом! Уларнинг никоҳлари боғланмайди. [Аллоҳ](#) таоло **“Нисо”** сурасида марҳаат қилади:

مُكُتَاهُمُ أَمْ كُيَلَعُ تَمْ رُح

مُكُتَاهُمْ عَوْ مُكُتَاهُ أَوْ مُكُتَاهُ بَو

تَاهُ بَو خَالُ تَاهُ بَو مُكُتَاهُ خَو

يَتَّالِلُ أَمْ كُتَاهُمْ أَوْ تَخُ أَلِ

نَّم مُكُتَاهُ أَوْ مُكُتَاهُ عَضْرَأُ

مُكُتَاهُ نَسُ تَاهُمْ أَوْ عَضْرَأُ

مُكْرُوْحٌ يَفِيْتُ الْاَلْاُمُّ كُبَيْءَ اَبَرَو

مُتْلَخَدُ يَتَّالِلُ اُمُّ كَيْءِ اَسْنَنُ نَم

مُتْلَخَدُ اُونُوْكَتْ مَلْ نِاْفُ نَوْب

لِئِالْحَوْ مُمْكِيْلَعِ اَنْجِ اَلْفُ نَوْب

مُمْكِبِ اَلْصَا نَمَ نِيْ دَلِ اُمُّ كَيْءِ اَنْبَا

اَلِاِنْ نِيْتِ خُاَلِا نِيْبِ اُوْعَ مَجَتْ نَاو

اَرُوْفَعِ نَاكَ هَلْ لِا نِاْفِ لَسْ دَقِ اَم

أَمْ يَحْرُ

23. Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, хотинларингизнинг оналари, ўзингиз қовушган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари - агар у(хотин)лар билан қовушмаган бўлсангиз, сизга гуноҳ йўқ - ва пуштингиздан бўлган ўфилларингизнинг хотинлари ҳамда опа-сингилни жамламоғингиз ҳаром қилинди. Магар аввал ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир.

Эмизиш туфайли никоҳи ҳаром бўлган аёллар:

«...эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз»нинг никоҳи ҳаром қилинди.

Бу жумлада эмиш орқали никоҳи ҳаром бўлган аёллар зикр қилинмоқда. Ояти каримада фақат икки тоифа – эмиш туфайли аслга айланган, яъни она бўлганлар ва уларнинг шохобчалари бўлмиш эмикдош опа-сингилларгина зикр қилинмоқда. Пайғамбаримиз алайҳиссалом эса бу борада: «Насаб жиҳатидан (никоҳи) ҳаром бўлганлар эмиш жиҳатидан ҳам ҳаром бўладилар», – деганлар. Яъни насаб жиҳатидан қайси тоифадаги аёлларнинг никоҳи ҳаром бўлса, эмиш туфайли ҳам ўша тоифаларнинг никоҳи ҳаром бўлади. Бундай ҳукмлар остига кирадиган эмиш шуки, икки ёшдан кичик бўлган гўдакнинг онасидан бошқа сутли аёлни тўйиб эмишидир. Ана ўшанда у аёл боланинг онасига, у аёлнинг эри боланинг отасига, у аёлнинг болалари эса уни эмган боланинг ака-укаси ва опа-сингилларига айланадилар. Шунингдек, аёлнинг бошқа қариндошлари ҳам уни эмган болага хеш бўладилар. Бу ҳукмнинг ҳикмати тўлалигича Аллоҳнинг Ўзига маълум. Баъзи ҳикматлари эса ушбу ояти карима нозил бўлганидан бир неча асрлар ўтиб, маълум бўлди. Гўдакнинг суяги ва эти она сутидан шаклланар экан. Бир онанинг сутини эмиб катта бўлган инсонларнинг физиологик хусусиятлари бир хилда шакллангани туфайли улар орасида [НИКОҲ](#) алоқаси боғланса, ўзларига ҳам, улардан бўлган болаларга ҳам катта зарар бўлади. Буни мусулмонлардан бошқалар энди-энди тушуниб келмоқдалар. ("Тафсири Ҳилол" китобидан). Валлоҳу аълам!